


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Ўқув-услубий бошқарма
томонидан рўйхатга олинди
№ 49031
2014 йил 20 июнь

Ректорнинг ___ - сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН
(2014 йил 21 июнь)



ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА
ЭКОЛОГИЯ

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Олий таълимнинг

Билим соҳаси: 100000 - Таълим;
200000 - Гуманитар соҳа.
Таълим соҳаси: 110000 - Педагогика;
230000 – Иқтисод.
Таълим йўналиши: Институтда тайёрланаётган барча таълим
йўналишлари

Тошкент-2014


Фаннинг ишчи ўқув дастури ўқув ва ишчи ўқув режа ҳамда ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: Абдалова З.Т. – ТМИ, Минтақавий иқтисодиёт кафедраси доценти, г.ф.н.;
Ибраимова А.А.– ТМИ, Минтақавий иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси, г.ф.н.

Тақризчилар: Солиев А.А. – ЎзМУ, Ижтимоий география ва демография кафедраси профессори, г.ф.д.;
Азимов Ш.А. – ТМИ, Минтақавий иқтисодиёт кафедраси доценти, г.ф.н. (ички).

Фаннинг ишчи ўқув дастури кафедранинг 2014 йил 17 июндаги 20-сонли йиғилиши муҳокамасидан ўтказилган ва факультет Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудир



З.Абдалова

Фаннинг ишчи ўқув дастури Молия-иқтисод факультети Кенгашида муҳокамадан ўтказилган ва тавсия этилган (2014 йил 20 июндаги 10 -сонли қарори).

Факультет декани



А.Хайридинов

Келишдики
Ўқув ишлари бўйича
проректор



А.Каримов

КИРИШ

1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

“Иқтисодий география ва экология” фанининг асосий мақсади – талабаларда мамлакатимизда табиий шароит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича назарий-амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга иқтисодий география ва экология фанининг назарий асослари, тадқиқот услублари; ҳозирги шароитда дунё ва атроф худудлардаги геоэкологик жараён ва ҳодисалар; глобал минтақавий муаммолар ва Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд экологик вазиятлар, уларни баҳолаш; дунёнинг турли минтақалари ва мамлакатларида табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва қиёсий баҳолаш бўйича назарий-амалий билимларни ўргатишдан иборат.

Ҳар бир мавзу якунида ахборот ва педагогик технологиялари келтирилган ҳамда уларни қўллаш юзасидан аниқ тавсиялар мазкур фандан ишлаб чиқилган ўқув-услубий мажмуа(ЎУМ)да баён этилган.

1.2. Фанни ўзлаштирган талабанинг малакавий даражаси:

- иқтисодий географиянинг назарий асослари ҳақидаги;
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари, омиллари ва тамойиллари ҳақидаги;
- дунё сиёсий картасида юз бераётган ўзгаришлар, жаҳон хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги;
- давлат экологик сиёсати ва табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро сифат стандартлари ҳақидаги;
- иқтисодий географик ва экологик ахборотни йиғиш, таҳлил этиш ва улардан иш фаолиятида фойдаланиш ҳақидаги тасаввур ва малакага эга бўлади.

1.3. Фаннинг ўқув режасидаги фанлар билан боғлиқлиги

Мазкур фанни ўрганиш учун бакалавр-иқтисодчи давлат таълим стандартларида кўзда тутилган иқтисодий фанлар билан бевосита алоқада бўлади.

1.3. Фанни ўқитишда қўлланиладиган янги педагогик технологиялар ва уларнинг мазмун-моҳияти

«Иқтисодий география ва экология» фанининг **маъруза машғулотларида** маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усуллари ва воситалари:

инсерт жадвали:

- мустақил ўқиш, маъруза тинглаш жараёнида олинадиган маълумотларни яхлит бир тизимга келтиришга имконият яратади.

- олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Кластер (Кластер - тутам, боғлаш):

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси-барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Тоифали жадвал:

Тоифа - мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).

- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди;

- тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал:

Ўрганилаётган ходиса тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради. Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

БББ жадвали:

Биламан, Билишни хоҳлайман, Билдим

- матн (мавзу, бўлим) бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради;

- тизимли мулоҳаза қилиш, таркибга ажратиш кўникмаларини беради.

T-жадвал:

Битта концепция (маълумот)нинг жиҳати ўзаро солиштириш (ҳа/йук, ҳа/қарши). Танқидий мушоҳада ривожлантиради.

Лойиҳалаш методи:

Келажакда амалга ошириладиган ишларни режалаштириш бўлиб, лойиҳа, маълум бир ҳисоб-китоб, чизма ва бошқаларга асосланган ҳолда тавсифлаш, баён қилиш шаклида мужассамлашган ғоя, фикр.

«Иқтисодий география ва экология» фанининг амалиёт машғулотида муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари:

Ақлий ҳужум:

Бу услубда қўйилган савол, мауммо, масалани бутун гуруҳ билан биргаликда муҳокама қилинади. У талабаларни ўқув жараёнида машғулотлар фаол қатнашишларини топиш ва баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам фикрини жалб қилиш, ўз фикрларини айтишга йўналтирувчи методдир.

Баҳс:

Ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Музокаралар:

Эшитиш аниқ ташкил этилган икки томон фикрлари алмашинуви.

Пинборд техникаси:

Муаммони ҳал этиш бўйича ғояларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш ва ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқиш имконини беради.

Дельфи техникаси:

Муаммони ҳал этишнинг жамоали баҳолаш ва танлаш имконини беради.

6-6 техникаси:

Қўйилган муаммони ҳал этиш бўйича жамоа томонидан ифодаланган вариантлардан энг яхшиси баҳоланади ва танланади, кейин қуйидаги ҳаракатлар алгоритмга мувофиқ маълум белгилар бўйича гуруҳланади.

Шунингдек «Иқтисодий география ва экология» фанининг амалиёт машғулотида компьютер дастурларидан (Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint, CorelDRAW), слайдлардан, мультимедиатаълим воситаларидан, INTERNET саҳифалари ва тизимларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Талабаларга ушбу фанни ўзлаштиришда мавжуд ўқув адабиётларидан, электрон дарслик, теслар мажмуаси ва бошқа манбалардан фойдаланиш тавсия этилади.

1.1. 5230600-«Молия»; 5230700-«Банк иши»; 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича)»; 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (реал сектор бўйича)»; 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (давлат сектори бўйича)»; 5231200-«Суғурта иши»; 5230800 – «Солиқлар ва солиққа тортиш»; 5231300-«Пенсия иши» йўналишларида «Иқтисодий география ва экология» фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатлар ҳажмининг тақсимоти

т/р	Фан мавзуларининг номи	Жами соатлар	шу жумладан		
			Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
Кузги семестр					
1.	Иқтисодий география ва экология фанининг предмети, мазмуни, мақсади ва вазифалари	6	2	2	2
2.	Иқтисодий ислохотлар шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омиллари ва тамойиллари	8	2	2	4
3.	Ҳозирги замон дунё сиёсий ва иқтисодий картаси	6	2	2	2
4.	Дунё аҳолиси географияси	6	2	2	2
5.	Дунё хўжалиги географияси	8	2	2	4
6.	Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни				
7.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистоннинг табиий ресурс салоҳияти, улардан оқилона фойдаланиш	6	2	2	2
8.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш шароитида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳамда бандлиги муаммолари	6	2	2	2
9.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистон саноати географияси	6	2	2	2
10	Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик географияси	6	2	2	2
11	Ўзбекистон транспорти, инфраструктура, ташқи иқтисодий алоқалар географияси	6	2	2	2
12	Ўзбекистоннинг иқтисодий географик районлари ва йирик табиий-иқтисодий минтақалари	6	2	2	2
13	Экологиянинг предмети, мақсади, услуби ва вазифалари	8	2	2	4
14	Биосфера, экологик омиллар ва экологик тизимлар				
15	Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар	6	2	2	2
16	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми	8	2	2	4
17	Табиат компонентларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-иқтисодий асослари				
18	Минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш	8	2	2	4
19	Аҳоли, экологик адаптация ва экологик хавфсизлик	6	2	2	2
20	Геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечими	8	2	2	4
21	Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш	6	2	2	2
Якуний назорат					
Жами		120	36	36	48

5111000 – Касб таълими (5230600 – «Молия»); 5111000- Касб таълими (5230700-«Банк иши»); 5111000 – Касб таълими (5230900-«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) »); 5111000 – Касб таълими (5231200-«Суғурта иши») йўналишларида «Иқтисодий география ва экология» фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатлар ҳажмининг тақсимоти

т/р	Фан мавзуларининг номи	Жами соатлар	шу жумладан		
			Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
Баҳорги семестр					
1.	Иқтисодий география ва экология фанининг предмети, мазмуни, мақсади ва вазифалари	6	2	2	2
2.	Иқтисодий ислохотлар шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омиллари ва тамойиллари	6	2	2	2
3.	Ҳозирги замон дунё сиёсий ва иқтисодий картаси	6	2	2	2
4.	Дунё аҳолиси географияси	6	2	2	2
5.	Дунё хўжалиги географияси	8	2	2	4
6.	Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни				
7.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистоннинг табиий ресурс салоҳияти, улардан оқилона фойдаланиш	6	2	2	2
8.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш шароитида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳамда бандлиги муаммолари	6	2	2	2
9.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистон саноати географияси	6	2	2	2
10.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик географияси	6	2	2	2
11.	Ўзбекистон транспорти, инфраструктура, ташқи иқтисодий алоқалар географияси	6	2	2	2
12.	Ўзбекистоннинг иқтисодий географик районлари ва йирик табиий-иқтисодий минтақалари	6	2	2	2
13.	Экологиянинг предмети, мақсади, услуги ва вазифалари	8	2	2	4
14.	Биосфера, экологик омиллар ва экологик тизимлар	6	2	2	2
15.	Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар				
16.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми	8	2	2	4
17.	Табиат компонентларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-иқтисодий асослари				
18.	Минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш	6	2	2	2
19.	Аҳоли, экологик адаптация ва экологик хавфсизлик	6	2	2	2
20.	Геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечими	6	2	2	2
21.	Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш	6	2	2	2
Якуний назорат					
Жами		114	36	36	42

2. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ МАЗМУНИ

2.1. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

2.1.1. «Иқтисодий география ва экология» фанининг предмети, мазмуни, мақсади ва вазифалари (2 соат)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори ва “Мустаҳкам оила йили” маърузаларининг моҳияти ва мазмуни. Иқтисодий география ва экологиянинг объекти, предмети. Иқтисодий география ва экологиянинг назарий ва амалий йўналишлари: тармоқ ва мамлакатшунослик, ҳудудий ва конструктив йўналишлари. Асосий концепциялари, тадқиқот услублари. Иқтисодий география ва экология фанининг бошқа фанлар тизимидаги ўрни, алоқалари, тармоқларга бўлиниши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: инсерт жадвали, тоифали жадвал, концептуал жадвал.

[A1, A5, A6, Қ7, Қ9, Қ15, Қ17]

2.1.2. Иқтисодий ислохотлар шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омиллари ва тамойиллари (2 соат)

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари тўғрисида тушунча. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг бозор, техника-иқтисодий, табиий, тарихий, ижтимоий-сиёсий омиллари. Кўп жихатли ва мажмуали омиллар. Ишлаб чиқаришнинг жойлашишига таъсир этадиган омиллар. Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” маърузасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари, уларнинг тарихан ўзгарувчанлиги. Янги иқтисодий шароитда минтақавий ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни такомиллаштириш муаммолари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал.

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ11, Қ15]

2.1.3. Ҳозирги замон дунё сиёсий ва иқтисодий картаси (2 соат)

Дунё сиёсий ва иқтисодий картаси тўғрисида тушунча. Дунё сиёсий ва иқтисодий картаси шаклланишининг асосий босқичлари. Қадимги, ўрта аср дунё сиёсий ва иқтисодий картаси. XIV аср охири ва XV аср бошида Темур давлати. Буюк географик кашфиётлар ва Европа мустамлакачилик босқичининг бошланиши. биринчи ва иккинчи жаҳон уруши. Халқаро муносабатлар янги даврининг бошланиши. Минтақавий можаролар. Халқаро иқтисодий муносабатлар ва дунёнинг иқтисодий картаси. Дунё мамлакатлари типологияси.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал.*

[A1, A5, Қ11, Қ15, Қ17, Қ20]

2.1.4. Дунё аҳолиси географияси (2 соат)

XX асрда аҳоли сонининг ўсиши, мамлакатларнинг демографик сиёсати. Материклар ва мамлакатлар бўйича аҳолининг жойлашиши ва зичлиги, нотекислигининг сабаб ва оқибатлари. Ташқи ва ички миграция. Дунё аҳолисининг жинсий таркиби, айрим мамлакатларда эркак ва аёллар нисбати. Аҳолининг ёш таркиби ва унинг меҳнат ресурсларига таъсири. Дунё аҳолисининг миллий ва этник таркиби. Халқларнинг ирқларга бўлиниши, диний таркиби. Энг кўп тарқалган динлар географияси. Дунёнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Юқори, ўрта ва кам урбанизациялашган мамлакатлар. Шаҳар агломерациялари ва мегаполисларни бошқариш муаммолари. Қишлоқ аҳолиси, қишлоқлар ва уларнинг функционал турлари. Аҳоли сони ўсишини башоратлашнинг аҳамияти ва озиқ-овқат дастурлари ечимдаги муаммолар.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал.*

[A1, A5, Қ11, Қ15, Қ17, Қ20]

2.1.5. Дунё хўжалиги географияси (1 соат)

Дунё хўжалигининг шаклланиши ва унинг асосий босқичлари. Халқаро меҳнат тақсимоли. Халқаро иқтисодий интеграция. Дунё мамлакатларининг энг муҳим иқтисодий гуруҳлари. ФТТ ва янги технологияни қўллашнинг дунё хўжалигининг ривожланишига, тармоқ ва ҳудудий тузилмаларига таъсири. Миллий ялпи маҳсулотнинг турли мамлакатлар гуруҳларидаги кўрсаткичлари. Дунё хўжалиги тузилмаси. Саноатнинг ҳудудий ишлаб чиқариш тузилишига таъсир этувчи омиллари. Дунё аҳамиятидаги энг муҳим дарё, денгиз, қуруқлик ва ҳаво йўллари. Каспий ва Қора денгизлараро транспорт алоқалар ривожланишининг истиқболлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал.*

[A1, A5, Қ11, Қ15, Қ17, Қ20]

2.1.6. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни (1 соат)

Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ўзбек халқи ҳаётида ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш йўлидаги энг муҳим воқеадир. Янгиланиш ва тараққиётнинг ўзбек модели. Демократик жараёнлар ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий тамойиллари. Чуқур таркибий ўзгаришдаги ютуқлар. Иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишини қайта қуриш. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи. Ўзбекистон – турли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, ташқи савдо айланмаси. Иқтисодий-географик ўрни, майдони ва

чегаралари. Ўзбекистоннинг субрегионларни ташкил этувчи мамлакатлар гуруҳига нисбатан мезон ўрнини баҳолаш. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлиниши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали.

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ15, Қ17, Қ20]

2.1.7. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистоннинг табиий ресурс салоҳияти, улардан оқилона фойдаланиш (2 соат)

Ўзбекистон табиий шароити ва ресурсларига тавсиф. Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” асарини моҳиятидан келиб чиқиб табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини очиқ бериш. Ўзбекистоннинг табиий ресурслар билан таъминланганлигини ва уларни баҳолаш. Ресурслар билан таъминланганлиги тўғрисида тушунча. Мамлакатни минерал, ер, сув, биологик, рекреация ресурслари билан таъминланганлиги. Табиий ресурсларнинг тарқалиши. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, мамлакатда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳолати.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Г-жадвал .

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ11, Қ15, Қ17, Қ19, Қ20]

2.1.8. Иқтисодийни таркибий ўзгартириш шароитида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳамда бандлиги муаммолари (2 соат)

Демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва демографик сиёсат. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби, уларнинг меҳнат ресурсларига таъсири. Иқтисодий фаол аҳоли. Саводхонлик даражаси. Аҳолининг “сифати”. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳолининг ички ва ташқи миграцияси. Эски ва янги суғориладиган минтақалар ўртасида аҳолининг ҳудудий қайта тақсимланиши. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Урбанизация даражаси ва суръатлари. Қадимги ва янги шаҳарлар, қишлоқлар жойлашуви. Аҳоли жойлашувини такомиллаштириш ва бошқариш муаммолари. Демографик салоҳият ва аҳоли муаммолари. Бандликнинг самарали натижалари ва аҳолининг таълим даражаси, касб маҳоратини ошириш муаммолари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Г-жадвал .

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ15, Қ16, Қ17, Қ19, Қ20]

2.1.9. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида, Ўзбекистон саноати географияси (2 соат)

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида, саноатнинг ривожланиш даражаси ва суръатлари. Тармоқ тизимидаги ўзгаришларнинг ҳозирги даврдаги тенденциялари. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш хусусиятлари. Ёқилғи-энергетика саноати жойлашуви. Ёқилғи баланси. Газ, нефть, кўмир саноати – энергетиканинг асоси. Уларни қазиб чиқаришнинг асосий районлари. Нефть ва газни қайта ишлаш. Электроэнергетика. Қора металлургия. Рангли металлургия. Машинасозлик. Автомобилсозлик. Самолётсозлик. Электрорадио техника ва электроника саноати. Минерал ўғитлар, сульфат кислота, синтетик тола ва йиғирилган ип, пластмасса, резина техника жиҳозлари ишлаб чиқариш. Қурилиш материаллари ва цемент саноати. Ойна саноати. Енгил ва озиқ-овқат саноати.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, БББ жадвали.

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ15, Қ16, Қ17, Қ19, Қ20]

2.1.10. Иқтисодийни таркибий ўзгартиришда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик географияси (2 соат)

2009-2021 йилларга мўлжалланган қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги давлат дастуридан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар. Янги турдаги аграр муносабатларнинг шаклланиши. Табиий ресурс замини. Ер фонди ва унинг тузилиши. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси ва унинг тармоқ тузилиши. Кўп тармоқларнинг баракасиз (экстенсив) характери. Ихтисослашув. Мулкчилик шакллари ва корхоналар тури. Суғориладиган-яйлов чорвачилиги. Шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги. Ўсимликчилик. Экин майдонлари тузилиши. Етакчи тармоқлар, қорамолчилик, қоракўлчилик, ипакчилик. Суғориладиган текислик, чўл, яйлов, шаҳар атрофи минтақалари қишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари. Қишлоқ хўжалик хом-ашёларини қайта ишлаш муаммолари. Бозор муносабатлари шароитида аграр мажмуанинг ривожланиш истиқболлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Г-жадвал .

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ15, Қ16, Қ17, Қ19, Қ20]

2.1.11. Ўзбекистон транспорти, инфраструктура, ташқи иқтисодий алоқалар географияси (2 соат)

Транспорт тармоқларининг шаклланиши, ривожланиши ва жойлашишидаги иқтисодий-географик хусусиятлар. Темир йўлларнинг умумий узунлиги. Автомобил транспорти. Автомобил йўлларининг узунлиги. Автомобил йўллари тармоқлари конфигурацияси. Қувур транспорти ва унинг аҳамияти. Ҳаво транспорти. Инфраструктура. Радио, теле, спутник алоқаларининг ривожланиши. Сув ва газ таъминотининг минтақавий тизими. Туризм ва дам олиш. “Буюк ипак йўли”нинг қайта тикланиши муҳим халқаро туристик йўналишдир. Ташқи иқтисодий

алоқалар. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқаларининг асосий йўналишлари ва шакллари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Т-жадвал.

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ15, Қ16, Қ17, Қ19, Қ20]

2.1.12. Ўзбекистоннинг иқтисодий географик районлари ва йирик табиий-иқтисодий минтақалари (2 соат)

Иқтисодий районлаштиришнинг мақсади. Районлаштириш назариясининг ривожланиши. “Район”, “зона”, “ареал” тушунчалари. Иқтисодий географик район мажмуаси ва динамик тушунча эканлиги. Районлаштиришнинг дифференциал, структуравий ва функционал турлари. Иқтисодий-географик районларнинг асосий кўрсаткичлари. Ўзбекистонни табиий-иқтисодий зоналарга бўлиш. Табиий-иқтисодий зоналарга ажратишнинг тамойиллари. Ўзбекистоннинг суғориладиган текислик, чўл-текислик, тоғ олди ва тоғ зоналарига бўлиниши, улар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: инсерт жадвали, кластер, Т-жадвал.

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ10, Қ11, Қ15, Қ16, Қ17, Қ19, Қ20]

2.1.13. Экологиянинг предмети, мақсади, услуби ва вазифалари (1 соат)

Бугунги кунда сайлов ҳақидаги қонунчилигимизга ўзгартиришлар киритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди. Бу эса бугунги кунда экологиянинг аҳамияти барча соҳада ортаётганлигини мутлоқ тасдиғи ҳисобланади.

Экология фанининг мақсади, предмети, тадқиқот объекти. Экология табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, табиий муҳитни оптималлаштириш тушунчаларининг талқини. Экология фанининг илмий-тадқиқот услублари. Экологиянинг табиий, ижтимоий фанлар билан алоқаси. Экологиянинг тармоқлари тўғрисида тушунча. Экология фанининг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифалари. Экологиянинг олий малакали иқтисодчи мутахассисликларни тайёрлашдаги аҳамияти. Экологиянинг таркиби ва тузилиши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: инсерт жадвали, кластер, концептуал жадвал.

[A2, A3, A4, A6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.14. Биосфера, экологик омиллар ва экологик тизимлар (1 соат)

Биосфера ҳақида тушунча. Биосфера ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Биосферанинг чегаралари. Биосферада моддаларнинг айланма ҳаракати. Биосферадаги асосий биогеокимёвий

цикллар. Экологик тизимнинг тузилиши. Экологик омиллар ва уларнинг таснифи. Экотизимлар таркиби. Экотизимларнинг ривожланиши ва ўзгариши. Табиатга антропоген таъсирнинг миқёслари ва унинг оқибатлари. Ноосферанинг шаклланиши ва ривожланиши. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш. Табиатни муҳофаза қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Т-жадвал.

[А2, А3, А4, А6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.15. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар (2 соат)

Табиат жамиятнинг яшаш муҳити, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи. Табиий компонентлар тушунчаси. Табиатнинг бир бутунлиги. Табиатда занжир реакцияси. Инсоннинг табиатга таъсири миқёсининг ортиб бориш сабаблари. Табиатни ўзгартириш тушунчаси. Табиатни инсон манфаатлари учун ўзгартириш соҳасида амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар. Табиатни ўзгартиришда табиат қонунлари бузилмасининг аҳамияти. Табиатнинг ўз-ўзини тозалаш ва қайта тиклаш қобилиятлари. Антропоген таъсирга экологик ёндашув. Табиатни ўзгартиришнинг экологик оқибатлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: инсерт жадвали, кластер, концептуал жадвал.

[А2, А3, А4, А6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.16. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми (1 соат)

Иқтисодийни таркибий ўзгаришларида табиатдан фойдаланишнинг ўзига хослиги. Инфраструктуранинг экологик асослари. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш. Табиатдан фойдаланиш жараёнларини бошқариш. Бозор иқтисодийи шароитида табиатдан фойдаланишни тубдан ўзгартириш зарурияти. Табиий ресурслардан фойдаланганлик ҳамда табиатга етказилган зарарлар учун тўловлар жорий этиш. Табиатдан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик шароитни яхшилашга эришилганлигини рағбатлантириш. Инфраструктуралар ривожланишининг экологик асосларига эътибор бериш. Бозор иқтисодийи шароитида табиатдан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий механизмини барпо этиш ва такомиллаштириш муаммолари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Т-жадвал.

[А2, А3, А4, А6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.17. Табиат компонентларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-иқтисодий асослари (1 соат)

Атмосфера ҳаваоси ва уни ифлосланишдан ҳимоя қилиш. Сув ресурслари ифлосланишининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари. Сувдан фойдаланишнинг иқтисодий

механизмини такомиллаштириш. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни утилизациялаш. Ерларни кадастр ва бонитировкалаш. Қишлоқ хўжалигини экологизациялаш. Биологик ресурслар ва уларни ҳимоя қилиш. Биологик модда алмашинувининг ўзига хослиги. яйлов дегрессияси. Давлат ўрмон фонди майдони. Ўрмонларнинг табиий экологик хусусиятлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: инсерт жадвали, кластер, концептуал жадвал.

[A2, A3, A4, A6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.18. Минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш (2 соат)

Минерал ресурсларнинг аҳамияти, уларнинг классификацияси. Ўзбекистоннинг минерал-хом ашё ресурслари салоҳияти ва захиралари. Ёқилғи-энергетика, металлургия, тоғ-руда, тоғ-кимё, қурилиш материаллари хом ашёлар ресурслари ва уларнинг жойлашиши. Минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари. Ресурсларни тежаш ва комплекс қайта ишлаш. Қазиб олиш ва фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш. Чет эл мамлакатлари билан ҳамкорлик. Рекультивация.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Г-жадвал .

[A2, A3, A4, A6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.19. Аҳоли, экологик адаптация ва экологик хавфсизлик (2 соат)

Аҳоли – табиий муҳит тизими. Экологик хавфсизлик. Табиат муҳофазаси узлуксиз занжирининг моҳияти. Ер шари аҳолиси. Аҳоли эҳтиёжлари. Озиқ-овқат муаммоси. Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш мақсадида атроф-муҳитнинг ўзгартирилиши. Демографик вазият ва жараёнларнинг табиий экологик муҳитга таъсири. Аҳоли омили ва табиат муҳофазаси. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари. Урбанизациянинг экологик вазиятга ва инсон саломатлигига таъсири.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: инсерт жадвали, кластер, концептуал жадвал.

[A2, A3, A4, A6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.20. Геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечими (2 соат)

Геоэкология тўғрисида тушунча. Дунё миқёсидаги геоэкологик муаммолар. Ер шари иқлимнинг исиб бориши. Озон туйнуғи. Геоэкологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик. Сайёравий ва минтақавий геоэкологик муаммолар. Инсон ва биосфера дастури. Халқаро конвенция, битим ва шартномалар. Халқаро табиат муҳофазасида Ўзбекистоннинг ўрни. Экологик мониторинг ва прогнознинг аҳамияти.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, БББ жадвали, Г-жадвал .

[A2, A3, A4, A6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.1.21. Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш (2 соат)

Ўзбекистоннинг ўзига хос экологик вазиятлари ва экологик хавфсизлик. Ўзбекистон ҳудудига антропоген таъсирнинг тарихий-иқтисодий ўзгариб бориши. Саноатнинг ривожланиши ва жойлашиши билан боғлиқ антропоген ўзгаришлар. Ўзбекистон чўл, адир, тоғ минтақаларининг жадал ўзгартирилиши. Дефляция. Автомобиль, темир йўл, қувур транспортининг табиат ифлосланишига таъсири. Орол ва Оролбўйи, Фарғона, Чирчиқ-Оҳангарон, Зарафшон ва Сурхондарё водийларида вужудга келган кескин экологик вазиятлар. Экологик тушкунликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: инсерт жадвали, кластер, концептуал жадвал.

[А2, А3, А4, А6, Қ12, Қ13, Қ14, Қ18, Қ20].

2.2. АМАЛИЙ МАШРУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

2.2.1. «Иқтисодий география ва экология» фанининг предмети, мазмуни, мақсади ва вазифалари (2 соат)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори ва “Мустақкам оила йили” маърузаларининг моҳияти ва мазмуни. Иқтисодий география ва экологиянинг объекти, предмети. Иқтисодий география ва экологиянинг назарий ва амалий йўналишлари: тармоқ ва мамлакатшунослик, ҳудудий ва конструктив йўналишлари. Асосий илмий концепциялари, тадқиқот услублари. Иқтисодий география ва экология фанининг бошқа фанлар тизимидаги ўрни, алоқалари, тармоқларга бўлиниши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: ақлий ҳужум, баҳс.

[А1, А5, А6, Қ7, Қ9, Қ15, Қ17]

2.2.2. Иқтисодий ислохотлар шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омиллари ва тамойиллари (2 соат)

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари тўғрисида тушунча. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг бозор, техника-иқтисодий, табиий, тарихий, ижтимоий-сиёсий омиллари. Кўп жиҳатли ва мажмуали омиллар. Ишлаб чиқаришнинг жойлашишига таъсир этадиган омиллар. Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” маърузасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари, уларнинг тарихан

ўзгарувчанлиги. Янги иқтисодий шароитда минтақавий ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни такомиллаштириш муаммолари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: ақлий ҳужум, баҳс, мунозаралар.

[A1, A5, Қ7, Қ8, Қ9, Қ11, Қ15]

2.2.3. Ҳозирги замон дунё сиёсий ва иқтисодий картаси (2 соат)

Дунё сиёсий ва иқтисодий картаси тўғрисида тушунча. Дунё сиёсий ва иқтисодий картаси шаклланишининг асосий босқичлари. Қадимги, ўрта аср дунё сиёсий ва иқтисодий картаси. XIV аср охири ва XV аср бошида Темур давлати. Буюк географик кашфиётлар ва Европа мустамлакачилик босқичининг бошланиши. биринчи ва иккинчи жаҳон уруши. Халқаро муносабатлар янги даврининг бошланиши. Минтақавий можаролар. Халқаро иқтисодий муносабатлар ва дунёнинг иқтисодий картаси. Дунё мамлакатлари типологияси.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: ақлий ҳужум, баҳс, мунозаралар.

[A1, A5, Қ11, Қ15, Қ17, Қ20]

2.2.4. Дунё аҳолиси географияси (2 соат)

